

КОРХОНАДА САМАРАЛИ ИННОВАЦИОН БОШҚАРУВНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАМОЙИЛЛАРИ ВА УСУЛЛАРИ

А.Х. Холов

*ЎзМУ, Минтақавий иқтисодиёт
ва менежмент кафедраси доценти, PhD*

Юлдашева Зулфия Ибрагимовна

ЎзМУ, II-босқич магистранти

Аннотация. Мақолада корхоналар фаолиятида инновацион бошқарувни ташкил этиши усуллари ва тамойиллари таҳлил этилган. Жумладан, инновацион бошқарувни ташкил этиши самарадорлигини оширишига қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишилаб чиқилган.

Калит сўзлар. Корхона бошқаруви, инновация, инновацион жараёнлар, инновацион лойиҳа, бошқарув, инновацон бошқарув, корхона инновацион салоҳияти, инновацион фаолият, самарадорлик, инновацион самарадорлик

ПРИНЦИПЫ И МЕТОДЫ ОРГАНИЗАЦИИ ЭФФЕКТИВНОГО ИННОВАЦИОННОГО УПРАВЛЕНИЯ НА ПРЕДПРИЯТИИ

Холов А.Х., Юлдашева З.И.

Аннотация. В статье анализируются методы и принципы организации инновационного менеджмента в деятельности предприятий. В частности, разработаны научное предложение и практические рекомендации, направленные на повышение эффективности организации инновационного менеджмента.

Ключевые слова. Управление предприятием, инновации, инновационные процессы, инновационный проект, менеджмент, инновационный менеджмент, инновационный потенциал предприятия, инновационная деятельность, эффективность, инновационная эффективность

PRINCIPLES AND METHODS OF ORGANIZING EFFECTIVE INNOVATIVE MANAGEMENT IN AN ENTERPRISE

Kholov A.X., Yuldasheva Z.I.

Annotation. The article analyzes the methods and principles of organization of innovative management in the activities of enterprises. In particular, a scientific proposal and practical recommendations have been developed aimed at improving the efficiency of the organization of innovation management.

Keywords. Enterprise management, innovations, innovative processes, innovative project, management, innovative management, innovative potential of the enterprise, innovative activity, efficiency, innovative efficiency

Кириш

Корхоналарда инновацион бошқарувни ташкил этиш бевосита инновациялар ва инновацион жараёнлар каби тушунчалар билан узвий боғлиқ бўлиб, пировард натижада илмий-ишлаб чиқаришнинг тўлиқ циклик даврини ўз ичига олади. Аввалга бўлимда кўриб ўтганимиздек, инновациялар бевосита янгилик, новация, янги турдаги маҳсулот ёки ишлаб чиқариш технологиясини англатса, инновацион жараёнлар уларни амалиётга татбиқ этиш билан боғлиқ жиҳатларни қамраб олади.

Инновацион жараёнлар бошқарув обьекти сифатида анъанавий ишлаб чиқариш жараёнларига нисбатан бир мунча мураккаб жараён эканлиги билан характерланади. Амалиётчилар томонидан бирор бир ишлаб чиқариш корхонаси томонидан янги турдаги маҳсулотни ишлаб чиқаришни бошлиши ёки ўз бизнесини эндиғина йўлга қўйиш ҳолатлари (яъни бу турдаги ишлаб чиқариш ёки фаолият тури билан аввал шуғулланмаган бўлса) бошқарув амалиётида маълум бир даражада инновацион жараёнларга дуч келиниши ва уларни тартибга солиш зарурияти мавжудлиги айтиб ўтишади.

Саноат корхоналарини инновацион бошқарувига таъсир кўрсатувчи омилларни миқроиқтисодий ва макроиқтисодий даражаларга ажратиш мумкин. Микроиқтисодий даражада таъсир этувчи омилларга корхонанинг фаолият тури, қайси тармоққа кириши, корхона даражаси, инновацион жараёнларни молиялаштириш учун инвестиция ва ўз маблағларини етарлилиги, ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган технологик жараёнлар даражаси, мутахассислар даражаси ва бошқалар. Макроиқтисодий даражаларга таъсир этувчи омилларга ижтимоий иқтисодий вазият, бюджет солиқ сиёсати, инвестицион муҳит, маъмурий тўсиқлар даражасига, техника технологияларни олиб кириш тартиби, инвестицион ва кредитлаш тизими, рақобат муҳити ва бошқалар.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хорижий мамлакатларда саноат корхоналарида инновацион бошқаруви самарадорлигини баҳолаш, унинг стратегияларини тузиш ҳамда инновацион бошқарувни такомиллаштиришга Э.В.Эвтушенко, З.М.Исакова, Л.Калачева, И.Лапина, С.Ф.Сайфулина, Л.А.Климова, С.А.Князев, В.А.Паздерина, К.А.Санникова, Л. И.Шамгулова, Е.С.Беляева, Г.Б.Горбунова, С.В. Еремеева, Г.И. Жиц, Д.И. Кокурин, Т.В. Колосова, С.В. Кочетков, Е.А. Лясковская, Л.А. Панчева, В.Н.Суязов¹ каби олимлар илмий тадқиқотларида ўрганилган.

¹ Evtushenko E.V. Otsenka innovatsionnogo potensiala predpriyatiya/Evtushenko.E.V., YUsupova E.R./ Ekonomika i upravlenie: nauchno-prakticheskiy журнал. - 2014. - №5(121). – S. 63-68.; Isakova, Z.M (2019) "Implementation of project management systems: conditions for implementation in the description and innovative economy," Economics and Innovative Technologies: Vol. 2019: No. 3, Article 12. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iqtisodiyot/vol2019/iss3/12>; Kalacheva L., Savon D. Innovation activities of enterprises of the

Ўзбекистонлик Ш.Н.Зайнутдинов, А.А.Мадалиев, Д.Шодиева, Н.М.Расулов, Ш.Г.Акрамова, А.Э.Норов, Б.А.Мавланов, И.С.Хотамов, Ш.Э.Мустафакулов, Г.П.Ғуломова² каби олимларнинг илмий изланишларида мамлакатимиз иқтисодиётини инновацион ривожланиш йўлига ўтказиш, жумладан, саноат корхоналарининг инновацион фаолиятини бошқаришда инсон омилининг ролини ошириш ва янада ривожлантиришда малакали кадрларга талаб юқорилиги қўрсатиб ўтилган. Бироқ, республикада саноат корхоналарида инновацион бошқарувни ташкил этиш самарадорлигини оширишга бағищланган масалалар комплекс тарзда, тизимли, маҳсус тадқиқот обьекти сифатида таҳлил этилмаган.

coal industry to improve productivity // Baltic Journal of Real Estate Economics and Construction Management. 2014. Vol. 2. -p. 11-15. 146.; Lapiña I. Development of managers competence model in dynamic environment / I. Lapiña, J. Caune, E. Gaile-Sarkane, I. Borkus, M. Ozoliņš // Proceedings of the 19th World Multi – Conference on Systemics, Cybernetics and Informatics. -2015, July. -2. -P. 219–224. United States of America, Orlando.; Sayfullina S.F. Ponyatiye innovatsionnoy vospriimchivosti predpriyatiya / v kN.: Problemiy razvitiya sovremennoy ekonomiki. Sb. stat. IV Mejdunarodnoy nauchnoprakticheskoy konferensii. Stavropol, 2014. – S. 52-56.; Климова Л.А. Инновационное развитие предприятия : [монография]. -Могилев: Белорус.-Рос.ун-ет, 2017. -215 с.:ил.; Князев С.А. Оценка инновационного потенциала предприятия // Вестн. Волгогр. гос. ун-та. Сер. 3, Экон. Экол. 2010. № 1 (16); Паздерина В.А. Стратегическое управление инновациями / В.А. Паздерина, Т.А. Катаева // Экономика и бизнес: теория и практика. - 2015. -№10. -С. 108-112.; Санникова К.А. Управление инновационным предприятием: ключевые понятия, особенности, примеры// Современные технологии управления. ISSN 2226-9339. -№2 (92). Номер статьи: 9205. -2020-05-11; Шамгулова, Л. И. Методы управления инновационным потенциалом / Л. И. Шамгулова. -Текст: непосредственный // Молодой ученый. -2019. -№4(242). -С.274-277; Беляева Е.С. Совершенствование управления инновационной деятельностью промышленного предприятия на основе оценки инновационного потенциала: автореф. дис. канд. экон. наук. -Барнаул: АГУ, 2007. -23 с.; Горбунов, Г.Б. Инновационный потенциал как фактор развития современного предприятия: автореф. дис. канд. экон. наук. / Г.Б. Горбунов. -МАГМУ, 2006.; Еремеева С.В. Инструменты оценки и управления развитием инновационного потенциала научкоемкого предприятия РКП. Дисс.на соис.уч.ст. канд. Экон.наук. Красноярск 2015. 130 с. Жиц Г.И. Методология управления формированием и эффективным использованием инновационного потенциала экономических систем: дис. д-ра экон. наук. – Саратов: СГТУ, 2001. – 356 с; Кокурин Д.И. Инновационная экономика (управленческий и маркетинговый аспекты): монография / Д. И. Кокурин [и др.]. Г. Москва, 2011. – 532 с; Колосова Т.В. Обеспечение устойчивого развития предприятия на основе повышения его инновационного потенциала: дис. д-ра экон. наук. – Н. Новгород: «ННГАСУ», 2011. – 288 с.; Кочетков С.В. Управление развитием инновационного потенциала промышленного предприятия: автореф. дис. д-ра экон. наук. – С-Петербург: ФИНЭК, 2011. -41с.; Лясковская Е.А. Управление инновационным развитием предприятия по показателям устойчивости: дис. д-ра экон. наук. – Челябинск: ЮУрГУ, 2009. - 342 с.; Панчева Л.А. Формирование эффективной системы управления инновационным потенциалом промышленного предприятия на принципах инвестиционно-производственного менеджмента: автореф. дис. канд. экон. наук. - Орел, 2006. – 21 с; Сязов В.Н. Комплексная оценка эффективности инновационного развития научно-производственных организаций: автореф. дис. канд. экон. наук. – Саратов: СГТУ, 2011. – 25 с.

² Зайнуддинов Ш.Н., Расулов Н.М. Инновацион менеджмент (дарслик).-Т.:“Инновацион ривожланиш нашриётматба уйи”, 2020. -Б.540.; Мамадалиев А.А. Иқтисодиётни бошқаришда инсон омилини фаоллаш-тиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмидан фойдаланишни такомиллаштириш. (PhD) дисс. автореф. -Т.: 2017. -Б.28; Шодиева Д. Миллий иқтисодиётнинг инновацион ривожланишини инвестициялашнинг назарий асосларини такомиллаштириш. (PhD) дисс. автореф. -Т.:2020 Б.58; Расулов Н.М. Корпоратив тузилмаларда инновацион жараёнларни стратегик бошқариш услубиётини такомиллаштириш: (DSc) дисс. автореф. -Т., 2021, -Б.81; Акрамова Ш.Г. Ўзбекистонда инновацион иқтисодиёт шаклланиши шароитида инсон капитали-нинг ривожланиши. Монография. -Т.: Iqtisod-Moliya, 2014. -180; Норов А.Э. Инновацион фаолият ва унинг натижаларини тижоратлаштиришнинг назарий ва услугубий асослари “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” Ilmiy elektron jurnalı. № 1, 2020 yil.; Мавланов Ботир Абдуллохизович Иқтисодиётни технологик инновациялар асосида модернизация килишнинг долзарб масалалари//Экономика и финансы (Узбекистан). 2016. №4.); Хотамов И. С., Мустафакулов Ш. Э., Исаков.М., & АбдувалиевА. (2019). Корхона иқтисодиёти ва инновацияларни бошқариш. Архив научных исследований, 1(1).; Ғуломова Г.П. Инновацион фаолият инфратузилмасини шакллантириш ишлаб чиқаришни модернизациялаш омили сифатида // Экономика и финансы (Узбекистан). 2016. №7. (дата обращения: 03.07.2021). Эрназаров О.Э. Инновациялар асосида саноат корхоналари самарадорлигини ошириш // Фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: 2020. 60 б.;

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида тизимли таҳлил, тарихийлик ва мантикийлик, индукция ва дедукция, анализ ва синтез, қиёсий ва селектив танлаб тадқиқ қилиш, монографик таҳлил ва гурӯхлаш, эконометрик таҳлил ва прогнозлаштириш усуллари қўлланилган.

Таҳлил ва натижалар

Саноат корхоналарида инновацион бошқарувга асосий таъсир қўрсатувчи омиллардан инсон капитали ҳисобланади, чунки хар қандай замонавий, янги ва автоматлаштирилган технологияларни малакали мутахассис бўлмаса самарали ишлай олмайди.

Ишлаб чиқариш жараёнларининг мунтазамлиги ва уларнинг такрорланиб туриши ишлаб чиқариш жараёнида бевосита иштирок этаётган ишчи ҳодимларнинг амалий кўникма ва малакаларини ривожланиб бориши учун тегишли шарт-шароитларни яратган ҳолда, технологик жараёнлардаги йўл қўйилаётган ҳатоликлар, камчиликлар сонининг камайиши билан бир қаторда, ишлаб чиқариш самарадорлиги қўрсаткичининг ортиб боришига хизмат қиласи (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

Корхона бошқарувида ишлаб чиқариш ва инновацион жараёнларининг қиёсий таҳлили³

Жараён тавсифи (характеристикаси)	Инновацион жараён	Мунтазам (такрорланувчи) ишлаб чиқариш жараёни
Пировард мақсад	Жамият аъзоларининг янги турдаги эҳтиёжларини аниқлаш ва уларни қондириш	Жамият аъзоларининг жорий эҳтиёжларини қондириш
Максадга эришиш йўллари	Эҳтиёжларнинг чексизлиги ва ноаниклилик	Қондирилиши даражаси аниқ бўлган кам сонли ва мақбул эҳтиёжлар
Максадга эришишдаги рисклилик даражаси	Юқори	Паст
Жараён тури	Ўз ўрни ва вақти бўйича дискрет ҳисобланади	Узлуксиз
Бошқариш, режалаштириш имкониятлари	Паст	Юқори
Режалар	Узок муддатли, тегишли ўзгартиришлар киритиш имконияти мавжуд	Қисқа муддатли, қатъий қўрсатма ва вазифалар белгиланган
Жараён содир бўладиган тизимнинг ривожланиши	Тизим ривожланишининг янги босқичига ўтади	Ривожланишнинг жорий босқичида қолади ёки инновацион ривожланиш бўлмаганлиги сабабли ўсиш суръатлари пасаяди
Жараён иштирокчилари манфаатларининг ўзаро	Ўзаро мос келади	Манфаатлар тизимига асосланади


³ Фатхудинов, Р.А. Инновационный менеджмент. Учебник для вузов / Р.А. Фатхудинов.- Сп-б.: Питер, 2008.- 442 с. маълумотлари асосида тузилган

алоқадорлиги		
Мажбуриятлар тақсимоти	Қайта тақсимланади	Барқарор

Иқтисодчи олим Й.А. Шумпетер томонидан амалга оширилган тадқиқотлар натижаларига кўра, мамлакатда ишлаб чиқариш корхоналарида инновацион бошқарувнинг ривожланиши натижасида инновацион жараёнлар жадаллашади. Бунда инновациялар диффузияси вужудга келиб, кўпроқ фойда олишга бўлган интилишнинг кучлилига сабабли, инноватордан сўнг унга тақлид қилувчилар, рақобатчиларнинг ҳам инновацияларни яратишга бўлган қизиқиши ортиб, мамлакат иқтисодиётида инновацион бошқарувга эга бўлган корхоналар сонининг кумулятив кўпайишига олиб келади.⁴

Корхоналарда инновацион жараёнларни бошқаришнинг мураккаб жиҳати шундаки, уларга анъанавий (мунтазам, такрорланиб турувчи) ишлаб чиқариш жараёнларига нисбатан ташки ва ички омилларнинг таъмири юқори ҳисобланади (1-расмга қаранг).

ТАШҚИ МУХИТ



1-расм. Корхонанинг инновацион бошқарув жараёнига таъсир кўрсатувчи омиллар⁵

⁴ Оголева, Л.Н. Инновационный менеджмент. Учеб. пособие /Л.Н. Оголева. – М.: Инфра-М, 2007.– 237с.

⁵ .Основы инновационного менеджмента /Под ред. д-ра экон. наук, проф. П.Н.Завлина, д-ра экон. наук, проф. А.К.Казанцева, д-ра экон.наук, проф. Л.Э.Миндели. – М.: Экономика, 2000. - 467 с.; маълумотлари асосида тузилган

Амалга оширилган таҳлиллар кўрсатишича, корхона бошқарувидаги инновацион жараёнларнинг ўз ҳаётийлик цикли мавжуд бўлиб, яратилаётган инновациялар маълум бир даврлардагина юқори даромад келтириши мумкин бўлади. Инновацион жараёнларнинг ҳаётийлик циклини қуидаги босқичларга ажратиш мумкин бўлади:⁶

- инновацияни (янгиликларни) шакллантиришга бўлган талабнинг вужудга келиши (инновациядан фойдаланиш учун ғоя муаллифидан фойдаланиш хукукини олиш ёки уни ишлаб чиқиши);
- инновацияни (янгиликни) ишлаб чиқариш жараёнига татбиқ этиши;
- инновация диффузияси (инновацияни бошқа тармоқ ва рақобатчи корхоналарда тарқалиши);
- инновациядан тўлиқ фойдаланиш (мунтазамлашув, барқарорлашув, анъанавий ишлаб чиқариш жараёнига айланиши).



2-расм. Корхоналарда инновацион жараёнларни бошқаришнинг “Технологик силжиш (Technology push)” модели⁷

Иқтисодий адабиётда корхоналарда инновацион жараёнларни бошқариш амалиётини тадқиқ этишга қаратилган илмий изланишлар сони ортиб боргани сари, уни ташкил этиш ёндашувлари сезиларли даражада такомиллаштирилди. Илк илмий қарашларда корхоналарда инновацион бошқарувни ташкил этиш “технологик силжиш” моделига асосланган бўлиб, ушбу модел XX асрнинг 50-60 йилларидан 1970-йилларига қадар амалиётда кенг фойдаланилган (2-расмга қаранг).



3-расм. Корхоналар инновацион бошқарувини ташкил этишининг “Бозорни жалб қилиш (Market pull)” модели⁸

XX асрнинг 70-йилларига келиб корхоналар фаолиятида инновациялар ва илмий техник тараққиётнинг изчил ривожланиш тенденциялари кузатила бошлади. Натижада иқтисодий адабиётда корхоналар инновацион бошқарувини фан, технология ва бозор муносабатларини узвий алоқадорликда тадқиқ этишга қаратилган илмий изланишларга устуворлик қаратилди. Жумладан, Р. Ротуэлл, С. Фримен, А. Хорсли, А. Джервис, Д. Таунсенд, Д.С. Мовери, Н. Розенберг каби олимларнинг илмий тадқиқотларида корхоналарнинг инновацион бошқаруви самарадорлигини оширишда маркетинг, бозор ва техник омилларнинг таъсирлари чукур ўрганилган. Натижада

⁶ Медынский, П.А. Инновационный менеджмент. Учебник для вузов/ П.А. Медынский.- М.: «ИнфраM», 2005. – 294 с.


⁷ Тебекина А. А., Верещагин К. В. Модели инновационного процесса: эволюция развития / Успехи в химии и химической технологии. ТОМ XXIX. 2015. № 5. С.79-80. modeli-innovatsionnogo-protsessa-evolyutsiya-razvitiya.pdf маълумотлари асосида тузилган

⁸ Ўша ерда

иқтисодий адабиётда 1970-1980 йилларда корхоналар инновацион бошқарувини ташкил этишнинг “Бозорни жалб қилиш (Market pull)” модели шаклланди (3-расмга қаранг).

“Бозорни жалб қилиш (Market pull)” модели функционал жиҳатдан алоҳида таъсир доирасига эга бўлган омилларни ўзаро таъсир кўрсатиш даври бўйича мантиқий кетма-кетлиқда бир-бири билан боғлиқ бўлган кетма-кетлиқда тақсимланиши билан характерланади. Моделнинг афзаллиги инновациялар ривожланишининг чизиқли тавсифини инкор этган ҳолда, корхонанинг инновацион фаолияти, унинг таркиби, инновацион ривожланишининг технологик имкониятларидан келиб чиқсан ҳолда бозор эҳтиёжларини қондиришга қаратилган инновацияларни ишлаб чиқишига устуворлик қаратилганлигига акс этади.⁹

Корхоналар бошқарувида инновацион жараёнларни татбиқ этиш билан бир қаторда, инновацияларнинг тобора мураккаблашиб бориши натижасида 1980 йилларнинг иккинчи ярмига келиб, иқтисодий адабиётда корхоналар инновацион бошқарувининг “Интеграл” модели шаклланди (4-расмга қаранг). Ушбу моделда инновацион бошқарув сифатида корхоналардаги инновациялар бир вақтнинг ўзида илмий тадқиқот олиб бориш, инновацион ишланмаларни ишлаб чиқиш, инновацион маҳсулот прототипларини яратиш, ишлаб чиқариш, савдо ва бошқа фаолият йўналишларини параллел бошқарувини тақозо этувчи бошқарув жараёни сифатида шакллантирилганлиги унинг ўзига хос хусусияти ҳисобланади.¹⁰



⁹ Тебекина А. А., Верещагин К. В. Модели инновационного процесса: эволюция развития / Успехи в химии и химической технологии. ТОМ XXIX. 2015. № 5. С.79-80. modeli-innovatsionnogo-protsessa-evolyutsiya-razvitiya.pdf

¹⁰ Rothwell R. Towards the fifth-generation innovation process // International Marketing Review. – 1994. – Vol.11. – No.1. – Pp.7-31

4-расм. Корхоналар инновацион бошқарувининг “Интеграл” модели¹¹

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, инновацион бошқарувининг “Интеграл” модели бугунги кунда жаҳон автомобиль бозорида машхур ва ўз ўрнига эга бўлган “Nissan” компанияси амалиётида инновацион жараёнларни бошқаришда фойдаланилган.

Тарақкий этган мамлакатларда йирик ишлаб чиқариш корхоналарининг инновацион ривожланиш йўлига ўтиб бориши, уларнинг жаҳон бозоридаги мавқеини мустаҳкамлаш билан бир қаторда, ишлаб чиқарилаётган товар ва хизматларининг рақобатбардошлиги даражасининг ҳам ортишига олиб келди. Корхоналар бошқаруvida инновацион жараёнларнинг тобора жадаллашуви инновацион бошқарув тизимининг самарадорлигини янада ошириш заруритини уйғотди.

Маркетинг

Илмий тадқиқот-тажриба конструкторлик ишланмалари (ИТТКИ)

Янги маҳсулот лойиҳасини ишлаб чиқиш

Янги маҳсулот ишлаб чиқаришнинг инженерлик таъминоти

Таркибий қисмларни ишлаб чиқариш

Тайёр маҳсулотни ишлаб чиқариш

Корхонадаги инновацион жараёнларни бошқариш амалиётида унинг турли бўлимларининг ҳамкорликдаги фаолиятини ташкил этиш

5-расм. Корхона инновацион бошқарувининг “Параллел ташкилий” модели¹²

Иқтисодчи олим Ф. Котлер фикрича, инновацион маҳсулотни ишлаб чиқариш аввало, корхонанинг илмий тадқиқот, техник, ишлаб чиқариш, маркетинг ва молия бўлимлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар тўғри йўлга қўйилган тақдирдагина самарали натижага эришиш имконини беради. Жаҳон амалиётида Япония саноат корхоналари инновацион бошқаруви юқори самарадорликка эришилаётганлиги билан ҳарактерланади. Таҳлиллар кўрсатишича, ушбу мамлакатда маҳсулотга киритилаётган инновацион ғоя бевосита маркетинг нуқтаи назаридан таҳлил қилиниб, ушбу ғояни ривожлантиришда ҳар бир бўлим маълум бир функционал вазифани бажаради.

¹¹ Тебекина А. А., Верещагин К. В. Модели инновационного процесса: эволюция развития / Успехи в химии и химической технологии. ТОМ XXIX. 2015. № 5. С.79-80. modeli-innovatsionnogo-protsessa-evolyutsiya-razvitiya.pdf маълумотлари асосида тузилган

¹² Тебекина А. А., Верещагин К. В. Модели инновационного процесса: эволюция развития / Успехи в химии и химической технологии. ТОМ XXIX. 2015. № 5. С.79-80. modeli-innovatsionnogo-protsessa-evolyutsiya-razvitiya.pdf маълумотлари асосида тузилган.

Иқтисодий адабиётда корхоналар инновацион бошқарувининг мазкур тури “Параллел ташкилий” модел сифатида баҳоланади¹³ (5-расмга қаранг).

Тадқиқотларимиз кўрсатишича кўплаб ишлаб чиқилган моделларга қарамасдан, корхоналар олдида қайси моделдан фойдаланиш самаралироқ эканлиги аниқ белгиланмаган. Ушбу ҳолат моделлардан фойдаланишда эмпирик маълумотларнинг камлигидан, турли хиллиги ва инновацион жараёнларни кутилмаганлиги сабаб бўлиши мумкин.

Таҳлиллар кўрсатишича, корхонанинг инновацион бошқаруви жараёни фирма фаолиятининг янги маҳсулот турини ишлаб чиқариш, жумладан, инновацион ишланмаларни ишлаб чиқиш, уларни амалиётга татбиқ этиш билан боғлиқ бўлган илмий, инновацион ва ишлаб чиқариш жараёнларининг ўзаро мутаносиблиқда бошқарилишини англатади. Шу билан бир қаторда, инновацион бошқарув маънавий эскирган товар ва хизматлар, ишлаб чиқариш техника ва технологияларини модернизация қилишни ҳам қамраб олади.

Корхонанинг инновацион товар ва хизматларини тижоратлаштиришнинг ilk босқичларида синов тариқасида бозорнинг маълум бир сегментлари учун сотувга чиқарилади. Агарда инновацион ишланма кутилган натижани берса, у ҳолда уни оммавий ишлаб чиқаришга татбиқ этиш ишларига устуворлик қаратилади. Айрим ҳолатларда синов муваффакиятли натижа бермаслиги ҳам мумкин бўлиб, ушбу вазиятни инновацион ишланмани қайта кўриб чиқиш ва уни такомиллаштириш талаб этилади.


Иқтисодий адабиётда корхоналар инновацион фаолиятини бошқарувини ташкил этишнинг қуидаги тамойиллари ажратиб кўрсатилади:¹⁴ функционаллилик; тизимлилик; маркетинг ва талабга йўналтирилганлилик; қайта ишлаб чиқариш; меъёрийлик (нормативлилик); комплекслилик; интеграцион тамойил; динамиклилик; жараён тамойили; миқдорий тамойиллар; маъмурий таъмойил; хулқ-автор тамойили; вазиятли ёндашув тамойили.

Таҳлиллар кўрсатишича, корхоналарда инновацион бошқарувни ташкил этишда турли бўлимлар, мутахассислар ва хизматлардан кенг фойдаланиши мумкин бўлади. Амалиётда корхоналар инновацион бошқарувини ташкил этишнинг матрицавий ва лойиҳавий тизимлаштириш усуллари мавжуд. Инновацион бошқарувни ташкил этишнинг матрицавий усули одатда икки ва ундан ортиқ йил талаб этувчи инновацион жараёнларни ташкил этишда ва уларни амалиётга татбиқ этиш жараённада кенг қўлланилади. Бу турдаги инновацион бошқарув ташкил этилган корхоналарда инновацион жараёнларни ташкил этиш чизиқли шаклда мажбуриятларни вертикал тақсимланишига асосланади ва корхона етарли даражада илмий-техник салоҳиятга эга бўлиши лозим бўлади (6-расмга қаранг).

¹³ Управление инновациями : учебник для бакалавров / В. П. Баранчев, Н. П. Масленникова, В. М. Мишин. – 2-е изд., перераб. и доп. – М. : Издательство Юрайт, 2015. – 711 с.

¹⁴ Фатхутдинов Р. А. Инновационный менеджмент: Учебник для вузов. 6-е изд. – СПб.: Питер, 2011. – 448 с.

Жаҳон амалиёти таҳлили кўрсатишича, ривожланган мамлакатлардаги саноат корхоналари инновацион фаолиятини бошқарув амалиётини ташкил этишнинг матрицавий усулидан йирик ишлаб чиқариш корхоналари, мамлакатда стратегик аҳамият касб этувчи тармоқларнинг етакчи корхоналари, трансмиллий компаниялар бошқарувида кенг фойдаланилади.




б-расм. Корхона инновацион бошқарувини ташкил этишнинг “Матрицавий” усули¹⁵

Корхоналар инновацион бошқарувини ташкил этишнинг матрицавий усулида ҳар бир амалга оширилаётган лойихаларга индивидуал жавобгарликнинг мавжудлиги сабабли инновацион ривожланишнинг барқарорлиги кафолатланади. Ушбу усулнинг афзалликлари корхонада инновацион фаолиятни ташкил этиш бўйича янги жамоаларни шаклланиши ва уларнинг функциялари фарқланади, натижасида инновациялар тақрорланмайди, корхонада инновацион фаолият билан шуғуланувчи бўлим ёки ишчи гурӯҳлар ташкил этилиши ҳамда ушбу гурӯҳларнинг юқори даражадаги мослашувчан бўлиши, корхонада ишлаб чиқилаётган инновацион ишланмаларнинг бевосита корхонанинг илмий-техник салоҳиятидан келиб чиқсан ҳолда амалга оширилади ва уни амалиётга татбиқ этишга кам вақт сарф қилиниди.

Бундан ташқари ушбу усулнингайрим камчиликлари ҳам мавжуд жумладан, инновацияларни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш тез вақтда амалга оширилиши сабабли инновацион ишланмаларда айрим нуқсонларнинг мавжуд

¹⁵ Управление инновациями : учебник для бакалавров / В. П. Баранчеев, Н. П. Масленникова, В. М. Мишин. – 2-е изд., перераб. и доп. – М. : Издательство Юрайт, 2015. – 711 с. маълумотлари асосида тузилган

бўлишлиги, инновацион лойиҳа менежерлари корхонада инновацион жараёнларни ташкил этишда тўғридан-тўғри бошқарув ҳуқуқига эга бўлмаслиги, инновацияларни амалиётга татбиқ этиш жараёнида мутахассислар ва ресурсларни тақсимлаш жараёнида тушунмовчиликлар келиб чиқиш эҳтимоли юкорилиги.



7-расм. Корхона инновацион бошқарувини ташкил этишнинг “Лойиҳавий тизимлаштириш” усули¹⁶


Корхонада йирик инновацион лойиҳаларни амалга ошириш жараёнида инновацион бошқарувни ташкил этишнинг лойиҳавий тизимлаштириш усулидан кенг фойдаланилади. Бунда инновацион лойиҳа раҳбари томонидан тегишли ишчи гурӯҳ шакллантирилиб, инновацион ишланмани ишлаб чиқишдан бошлаб то уни амалиётга татбиқ этгунга қадар бўлган барча босқичларни ушбу инновацион ишчи гурӯҳ азолари тўлиқ амалга оширадилар. Амалга оширилган инновацион лойиҳа тегишли синовлардан ўтиб, кўзланган натижаларга эришиш имконини бериши аниқлангандан сўнг корхона ишлаб чиқариш амалиётига тўлиқ татбиқ этилади (7-расмга қаранг). Амалиётда бу тардаги инновацион бошқарув усулидан трансмиллий компаниялар кенг фойдаланадилар. Шу билан бир қаторда, тараққий этган мамлакатларда ташкил этилган технопаркларда бу тардаги инновацион бошқарув амалиёти йўлга қўйилган бўлиб, эришилган натижалар кичик ва ўрта бизнес вакиллари билан тузилган шартнома асосида тижоратлаштирилади.

Таҳлиллар кўрсатишича, лойиҳавий тизимлаштириш усулининг афзалликлари бу корхонада амалга оширилаётган инновацион лойиҳа бевосита ушбу лойиҳа раҳбари томонидан бошқарилади, тузилган ишчи гурӯҳ аъзоларининг айнан бир лойиҳа бўйича ихтисослашади, инновацион лойиҳани ишлаб чиқиш ва уни амалиётга татбиқ этишда ресурслардан самарали фойдаланиш, вақтни тежаш ҳамда лойиҳа самарадорлигидан

¹⁶ Управление инновациями : учебник для бакалавров / В. П. Баранчев, Н. П. Масленникова, В. М. Мишин. – 2-е изд., перераб. и доп. – М. : Издательство Юрайт, 2015. – 711 с. маълумотлари асосида тузилган

гурух аъзоларининг манбаатдорлигининг юқори бўлишидир. Шу билан бир қаторда, корхоналарда инновацион бошқарувни ташкил этишнинг лойиҳавий тизимлаштириш усулида инновацион ишланмаларнинг такрорланиши, ишчи гурухни ривожлантириш, уни қайта шакллантириш, мослашувчанлигини ошириш каби имкониятларини чекланганлиги каби камчиликлари мавжуд ҳисобланади.

Фикримизча, мамлакатимиз амалиётида саноат корхоналарида инновацион бошқарувни ташкил этишда корхонанинг илмий-техник салоҳиятидан келиб чиқсан ҳолда, ўрта ва узоқ муддатли инновацион ривожланиш стратегияларини ишлаб чиқиш, бунда инновацион бошқарувни ташкил этишнинг турли усувларини татқиқ этиш асосида корхона учун мос келувчи усульнни ишлаб чиқиш юқори самарадорликка эришиш имконини беради.



8-расм. Инновацион лойиҳаларни тижоратлаштириш схемаси¹⁷

Шу билан бир қаторда, маркетинг фаолиятини ривожлантириш орқали бозордаги талабни ўрганиш асосида инновацион товар ва хизматларга бўлган эҳтиёжлар ва уларнинг турларини аниқлаш, инновацион ишланмаларни ишлаб чиқиша мамлакатимизда илмий тадқиқот институтлари, олий ўқув юртлари илмий салоҳиятидан кенг фойдаланишга қаратилган ҳамкорлик шартномаларини тузиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Ушбу мақсадга эришишда инновацион ишланмаларни тижоратлаштиришнинг миллый тизимини шакллантириш лозим бўлади (8-расмга қаранг). Бунда илмий тадқиқот институтлари ва олий ўқув юртлари

¹⁷ Основы инновационного менеджмента. Теория и практика: Учеб. пособие / Под ред. П.Н.Завлина и др. – М.: ОАО «НПО «Изд-во «Экономика», 2000. – 475 с.; Гусаков, Б.И. Инновационный менеджмент / Б.И. Гусаков. – М.: Инфра-М, 2004.– 230 с.; Фатхутдинов Р. А. Инновационный менеджмент: Учебник для вузов. 6-е изд. – СПб.: Питер, 2011. – 448 с.; Управление инновациями : учебник для бакалавров / В. П. Баранчеев, Н. П. Масленникова, В. М. Мишин. – 2-е изд., перераб. и доп. – М. : Издательство Юрайт, 2015. – 711 с. маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

били саноат корхоналари ўртасида тузилган инновацион шартномалар асосида инновацион ишланмалар тегишли синовлан ўтказилади. Синовдан омадли ўтган ишланмалар миллиқ иқтисодиёт тармоқлари бўйича инновацион ишланмаларга эҳтиёжи бўлган саноат корхоналарига тижоратлаштирилади.

ТАШҚИ ОМИЛЛАР



9-расм. Саноат корхонаси фаолиятига таъсир кўрсатувчи ички ва ташқи омилларни ўзаро мутаносибликда гурухлаш механизми¹⁸

Мамлакатимиз Президенти томонидан юқорида белгилаб берилган устувор вазифаларни амалга оширилишида аввало саноат корхоналарининг инновацион бошқарув самарадорлигини ошириш зарурити вужудга келади. Саноат корхоналарида инновацион бошқарув тизимини жорий этиш ва унинг самарадорлигини ошириш пировард натижада корхонанинг рақобатбардошлиги даражасининг барқарор суръатларда ортиб боришини таъминлайди. Саноат корхоналари инновацион бошқаруви самарадорлигига таъсир кўрсатувчи омилларнинг назарий жиҳатдан таҳлили натижаларига кўра, унга таъсир кўрсатувчи омиллар ички ва ташқи омилларга гурухланиши мумкин бўлади (1-расмга қаранг). Амалга оширилган тадқиқотларимиз натижаларига таянган ҳолда, саноат корхоналари инновацион бошқаруви самарадорлигини ошириш корхонада инновацияларни амалиётга татбиқ этиш маҳсулдорлигини ортишини таъминлаши билан бир қаторда, корхонанинг миллий ва халқаро даражадаги рақобатбардошлиги даражасини ҳам

¹⁸ Муалиф томонидан тузилган

такомиллаштиришга эришишга етарли даражадаги шарт-шароитларни яратиши керак бўлади.

Фикримизча, иқтисодиётни модернизациялаш, ишлаб чиқарувчилар ўртасида рақобат курашининг тобора чукурлашуви, жумладан иқтисодий муносабатлар тизимида инновацияларнинг жадал ривожланиши шароитида саноат корхонасининг инновацион бошқарув самарадорлигини оширишга таъсир қўрсатувчи ички ва ташқи омилларни замонавий шарт-шароитларни инобатга олган ҳолда 9-расмда келтирилган тартибда гурухлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Таклиф этилаётган саноат корхонасининг инновацион бошқаруви самарадорлигига таъсир қўрсатувчи омилларнинг гурухланиш тартиби бевосита корхонада инновацион фаолият самарадорлигини ошириш ва унинг рақобатбардошлиги даражасини янада такомиллаштириш нуқтаи назаридан амалга оширилган.

Корхонанинг инновацион бошқаруви самарадорлигига таъсир қўрсатувчи ички омиллар қўйидагилардан ташкил топади:

- тадбиркорлик қобилияти (корпоратив бошқарув самарадорлиги). Тадбиркорлик қобилияти корхона раҳбари, ундаги бўлим бошликлари учун хос бўлган инсоний фазилат ҳисобланниб, айнан ушбу қобилият инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Яъни, шахсда тадбиркорлик қобилияти қанчалик юқори бўлгани сари, унинг янгиликларни, инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга татбиқ этишга бўлган интилиши юқори бўлиши билан ажралиб туради. Шунингдек, корхонада корпоратив бошқарувни амалга ошириш жараёнида корхона фаолиятига жалб этилаётган инвестицияларнинг самарадорлигини таъминлашда уларнинг илмий тадқиқот тажриба-конструкторлик ишланмалари (ИТТКИ) ва инновацион лойиҳаларни молиялаштириш, корхона персоналини рағбатлантиришга йўналтиришга устуворлик қаратилади. Бу эса ўз навбатида корхонада ўзига хос корпоратив маданиятнинг шакллантириб, унинг персонали учун эркин ижодий фаолият юритишга замин яратади. Пировард натижада корхонанинг инновацион фаолияти самарадорлиги ортади. Бунда корхона раҳбарияти томонидан биринчи, корхона колективи ўртасида тақсимланаётган вазифаларнинг адолатлилиги ва шаффофлигини таъминлаш, иккинчидан, инновацияларни амалиётга татбиқ этиш, уларни синовдан ўтказиш жараёнида корхонанинг барча иерархик тузилмалари даражаларининг иштирокини бирдек таъминланиши, учинчидан, инновацион фаолиятга оид бўлган ҳар қандай ахборот билан (ижобий ва салбий маълумотларнинг барчаси) корхонанинг барча аъзоларини хабардор қилиш ҳолатларини таъминланиши талаб этилади.

- корхона персонали. Бунда корхонада ёлланиб ишловчи ҳодимларнинг ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлган фикр ва қарашларининг мобиллиги муҳим аҳамият касб этади. Яъни, уларнинг креатив фикрлаш қобилияти, ишлаб чиқариш жараёнларидағи ўзгаришларга тезда мослаша олиши, янгиликларни (новацияларни) излаш, уларни асослашга бўлган интилиши, фикрлашдаги инновацион ёндашувнинг мавжуд бўлиши зарур ҳисобланади. Корхоналарда инновацион жараёнларни ташкил

етиш борасидаги жаҳон тажрибаси кўрсатишича, юқори малакали инновациялар бўйича менеджерларга бўлган талаблари юқори даражада. Чунки инновацион жараёнларнинг самарадорлиги инновациялар бўйича менеджерларнинг касбий малакалари ва кўнижмалари билан узвий боғлиқлиги амалиётда ўз исботини топган. Шу билан бир қаторда, юқори малакали инновацияларни бошқарувчилар, инновацион инженерлар ва олимларга бўлган талаб ҳам юқори ҳисобланади;

- коммуникация самарадорлиги. Информацион технологияларнинг ривожланиши, мамлакатларда иқтисодий муносабатларни рақамлаштириш шароитида корхонанинг инновацион фаолияти самарадорлигига унинг коммуникация алоқаларининг ўрнатилганлиги ҳолати бевосита ўз таъсирини ўтказади. Бунда корхонанинг коммуникация алоқалари унинг фаолияти йўналиши бўйича корхона ташкилий тузилишининг барча бўғинларини тўлиқ қамраб олиши, корхонага унинг фаолиятига оид инновацион ишланмалар ва инновацион ғоялар бўйича ахборотлар оқимини таъминлаши талаб этилади. Ушбу ҳолат корхона ва унинг ташкилий тузилмавий бўлинмалари фаолиятининг ўзаро алоқадорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади;

- корхонанинг ташкилий тузилиши. Бунда корхонанинг иерархик ташкилий тузилиши, унинг таркибий бўлинмалари сони, уларнинг ҳолати, корхонанинг инновацион фаолиятида унинг таркибий бўлинмаларининг иштирок этиш ҳукуки ва имкониятининг мавжудлиги, жумладан, инновацион лойиҳанинг самарадорлигига масъулиятнинг ўзаро тақсимланиши назарда тутилади;

- инновацион фаолиятнинг бозорга йўналтирилганлиги. Корхона инновацион бошқаруви самарадорлигини таъминлашнинг муҳим омилларидан бири бу корхона инновацион фаолиятининг бозорга йўналтирилганлиги ҳисобланади. Яъни, бозордаги истеъмолчиларнинг мавжуд талабидан келиб чиқсан ҳолда, инновацион маҳсулотни ишлаб чиқариш ва уни бозорга олиб чиқиши корхонанинг инновацион лойиҳадан оладиган фойдасини максималлаштиради. Бунда корхонада инновацион маркетинг фаолияти ва унинг амал қилишига эътибор қаратиш лозим бўлади;

- инновациялар учун ресурсларнинг етарлилик даражаси. Аксарият ҳолатларда амалиётда корхона инновацион фаолиятини ривожлантиришда молиявий, ахборот, ҳом ашё, малакали ишчилар ва бошқа турдаги ресурсларнинг етишмаслиги намоён бўлади. Айниқса, кичик ва ўрта саноат корхоналарида молиявий ресурсларнинг танқислиги ҳолати уларнинг узоқ муддатли инновацион лойиҳаларни амалга ошириш имкониятини чеклайди. Тараққий этган мамлакатлар амалиётини таҳлил қиласидан бўлсак, бу турдаги муаммолар вужудга келган шароитда, корхона раҳбарлари томонидан венчур инвестицияларни жалб қилиш орқали инновацион лойиҳаларни амалга оширишга эришадилар.

Саноат корхоналарининг инновацион бошқаруви самарадолигига таъсир этувчи омилларни кейинги гуруҳи бу ташқи омиллар ҳисобланаб, улар қаторига қўйидагиларни киритиб ўтдик:

- маслаҳат ва консалтинг хизматлари. Бунда саноат корхоналарида инновацион фаолиятни ташкил этиш, уларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, инновацион ишланмаларни ишлаб чиқиш бўйича давлат томонидан инновацион фаолият бўйича маслаҳат ва консультатив хизматлар кўрсатувчи марказлар фаолияти ташкил этилиши назарда тутилади. Хусусан, тарақкий этган мамлакатларда пенсия ёшидаги инновацион фаолият бўйича юқори малакали ва етакчи мутахассисларни бу турдаги ташкилотларга жалб қилинади. Масалан, АҚШда бу турдаги 389 та консультатив марказлар фаолият юритиб, уларда 11 400 нафар юқори малакали, корхоналарнинг инновацион фаолият соҳасида ишлаган пенсионерлар хизматидан фойдаланилади.¹⁹ Токио шаҳрида “Саноат соҳаси конструкцияси бўйича Япония ташкилоти” фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, кичик ва ўрта саноат корхоналари учун янги технологияларни ишлаб чиқиш, инновацион маҳсулотларни яратиш, инновацион лойиҳаларни амалга ошириш ва инновацион жараёнларда корхоналарнинг иштирокини таъминлаш бўйича илмий ва амалий қўмак бериш билан шуғулланади. Шунга ўхшаш ташкилот Европа Комиссияти қошида ҳам ташкил этилган бўлиб, бунда етакчи мутахассислар Европа Иттифоқи мамлакатларидаги инновацион бизнес корхоналарига борган ҳолда жорий ҳолатни ўрганиб, тегишли маслаҳатлар бериш билан шуғулланадилар.²⁰

- молиявий ёрдам. Корхонада инновацион фаолиятни ташкил этиш, инновацион лойиҳани ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишнинг турли босқичларида ташқи манбалар ҳисобидан корхона учун оптимал ҳисобланган молиявий ресурсларни жалб қилиш лозим бўлади. Бунда давлат томонидан корхоналарда инновацион фаолиятни ривожлантириш мақсадида ажратилаётган солиқ имтиёзларидан фойдаланиш, ташқи манбалар ҳисобидан инвестицияларни жалб қилиш, банк хизматларидан фойдаланган ҳолда кредит олиш, лизинг ва шу каби бошқа молиявий дастаклардан фойдаланиш мумкин бўлади;

- инновацион фаолиятни рағбатлантириш. Бунда давлат томонидан саноат корхоналари инновацион фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган дастурларнинг амал қилиши назарда тутилади. тарақкий этган мамлакатлар амалиёти кўрсатишича, АҚШ, Канада, Германия, Япония, Франция ва Буюк Британия каби мамлакатларда давлат томонидан саноат корхоналарининг барча турдаги инновацион фаолиятлари давлатнинг фаол дастурлари орқали қўллаб-қувватланиши белгилаб қўйилган. Ушбу мамлакатларда инновацион фаолият билан шуғулланишни бошлаётган кичик инновацион бизнес субъектларининг харажатларларининг 20-50 фоиз харажатлари давлат

томонидан қопланади;²¹

- қонунчилик. Бунда мамлакат иқтисодиётида инновацион фаолиятни ташкил этиш, уни ривожлантириш бўйича ҳукукий-меърий хужжатларнинг мавжудлиги ва

¹⁹ Free Small Business Advice – <https://www.sore.org>

²⁰ Ногин В.А., Хоменко Я.В. Зарубежный опыт инновационной деятельности малых и средних предприятий. – <https://www.uecs.ru>

²¹ Модели инновационного развития зарубежных стран – <https://studme.org>

уларнинг амал қилиш хусусиятлари назарда тутилади. Жумладан, корхонанинг инновацион фаолият юритиш соҳалари, йўналишлари, давлат томонидан инновацион фаолият учун берилаётган имтиёзлар, уларни қўллаб-қувватлашга қаратилган дастурлар, инновациялар ва у билан боғлиқ бўлган ҳар қандай иқтисодий муносабатларга оид меъёрий-хуқуқий базанинг мавжуд бўлиши лозим ҳисобланади.

Холоса ва таклифлар

Таҳлиллар кўрсатишича, мамлакатда амал қилаётган инновацион ривожланиш модели саноат корхоналари инновацион фаолиятини бошқариш самарадорлигига таъсир кўрсатувчи омилларга бевосита таъсир кўрсатади. Бугунги кунда жаҳон мамлакатларида инновацион ривожланишнинг уч хил модели шаклланган. Биринчи модел фан ва инновациялар бўйича дунёда етакчилик мамлакатлар учун хос бўлган модел ҳисобланиб, фундаментал ва амалий тадқиқотларни амалга оширишга асосланади. Бу тардаги инновацион ривожланиш модели АҚШ, Англия ва Франция мамлакатлари учун хос ҳисобланади. Ушбу мамлакатлар гуруҳи фундаментал ва амалий тадқиқотларни амалга оширишни рағбатлантириш орқали инновацион иқтисодиётни ривожалантиришга эришадилар. Иккинчи модел учун инновацияларни ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш орқали инновацион иқтисодиётни ривожлантириш хос бўлиб, Германия, Швеция ва Швейцария каби мамлакатлар учун хос ҳисобланади. Учинчи модел жаҳон хўжалигининг илмий-техникавий ривожланишига ихтисослашган инновацион иқтисодиёт модели ҳисобланиб, Япония ва Жанубий Корея мамлакатлари учун хос модел ҳисобланади.²² Шу ўринда айтиш керакки, мамлакатларда амал қилаётган инновацион ривожланиш моделлари корхонанинг инновацион фаолияти ва унинг ихтисослашуви йўналишларини белгилаб беради.

Жаҳон хўжалигига саноат корхоналарида инновацион фаолиятни амалга оширишнинг ўзаро боғланган микро ва макро даражадаги механизми амал қиласи. Корхонада инновацион жараёнларни амалга оширишнинг микромеханизми корхона бошқаруви амалиётида инновацияларни ўзлаштириш дастаклари орқали намоён бўлади. Инновацияларни ўз амалиётига татбиқ этиш кўлами корхонанинг инновацион салоҳияти билан узвий боғлиқ бўлиб, бунда уларнинг инновацияларни ишлаб чиқиш ҳажми, янгиликларни ўзлаштиришга бўлган интилиши инобатга олинади.²³

Корхонанинг инновацион бошқаруви самарадорлигига таъсир кўрсатувчи ички ва ташқи омилларнинг бу турдаги гуруҳланиши узоқ муддатли истиқболда корхонанинг миллий ва халқаро даражадаги рақобатбардошлиги кўрсаткичини такомиллаштиришга ҳамда унинг инновацион салоҳиятига таъсир кўрсатувчи омилларни ҳам қамраб олган ҳисобланади. Корхонанинг инновацион фаолиятини бошқариш самарадорлиги унинг рақобатбардошлиги кўрсаткичини яхшиланишига қандай дастаклар орқали таъсир этиши мумкинлиги 10-расмда келтириб ўтилган.

²² Арутюнов Ю.А. , Гончаренко Л.П. Инновационная политика – <https://www.litres.ru>

²³ Арутюнов Ю.А. , Гончаренко Л.П. Инновационная политика – <https://www.litres.ru>



10-расм. Корхона инновацион фаолиятини бошқаришнинг рақобатбардошлик даражасининг ортишига тъсири²⁴

Натижада мамлакатимизда саноат корхоналари амалиётида инновацион лойиҳалардан кенг фойдаланила бошланади. Бу эса ўз навбатида корхоналарда инновацион бошқарувнинг шаклланиши ва ривожланиши учун тегишли шартшароитларни яратиш заруриятини вужудга келтиради. Бу эса узоқ муддатли истиқболда мамлакатимиз саноат корхоналарининг инновацион фаолиятининг барқарор ривожланишини таъминлаш имконини беради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Фатхудинов, Р.А. Инновационный менеджмент. Учебник для вузов / Р.А. Фатхудинов.- Сп-б.: Питер, 2008.-442 с.
2. Оголова, Л.Н. Инновационный менеджмент. Учеб. пособие /Л.Н. Оголова. – М.: Инфра-М, 2007.- 237с.

²⁴ Муалиф томонидан тузилган

3. Основы инновационного менеджмента /Под ред. д-ра экон. наук, проф. П.Н.Завлина, д-ра экон. наук, проф. А.К.Казанцева, д-ра экон.наук, проф. Л.Э.Миндели. – М.: Экономика, 2000. – 467 с.
4. Медынский, П.А. Инновационный менеджмент. Учебник для вузов/ П.А. Медынский.- М.: «ИнфраM», 2005. – 294 с.
5. Тебекина А. А., Верещагин К. В. Модели инновационного процесса: эволюция развития / Успехи в химии и химической технологии. ТОМ XXIX. 2015. № 5. С.79-80. modeli-innovatsionnogo-protsessa-evolyutsiya-razvitiya.pdf маълумотлари асосида тузилган
6. Rothwell R. Towards the fifth-generation innovation process // International Marketing Review. – 1994. – Vol.11. – No.1. – Pp.7-31
7. Управление инновациями : учебник для бакалавров / В. П. Баранчеев, Н. П. Масленникова, В. М. Мишин. – 2-е изд., перераб. и доп. – М. : Издательство Юрайт, 2015. – 711 с.
8. Фатхутдинов Р. А. Инновационный менеджмент: Учебник для вузов. 6-е изд. – СПб.: Питер, 2011. – 448 с.
9. Основы инновационного менеджмента. Теория и практика: Учеб. пособие / Под ред. П.Н.Завлина и др. – М.: ОАО «НПО «Изд-во «Экономика», 2000. – 475 с.
- 10.Гусаков, Б.И. Инновационный менеджмент / Б.И. Гусаков. – М.: Инфра-М, 2004.– 230 с.
11. Free Small Business Advice – <https://www.sore.org>
- 12.Ногин В.А., Хоменко Я.В. Зарубежный опыт инновационной деятельности малых и средних предприятий. – <https://www.uecs.ru>
- 13.Модели инновационного развития зарубежных стран – <https://studme.org>
- 14.Арутюнов Ю.А. , Гончаренко Л.П. Инновационная политика – <https://www.litres.ru>